Сизларга гуноҳларнинг энг каттаси ҳақида хабар берайми?

Абу Бакроҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта: «Сизларга гуноҳларнинг энг каттаси ҳақида хабар берайми?» дедилар. «Ҳа, ё Аллоҳнинг Расули!», дейишди. «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш», дедилар ва ёнбошлаб турган эдилар, тик туриб, ўтириб: «Огоҳ бўлинглар, ёлғон гувоҳлик бериш ва ёлғон гапириш», дедилар. Ана ўша гапни қайта-қайта такрорлайвердилар: «Қанийди, сукут қилсалар » деб қолдик».
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга энг катта гуноҳлар ҳақида хабар бердилар, сўнгра қуйидаги уч нарсани зикр қилдилар: 1. Аллоҳга ширк келтириш: Ибодатнинг бирор турини Аллоҳдан бошқага сарфлаш ва Аллоҳдан бошқани У Зотнинг рубубияти, улуҳияти ҳамда исм ва сифатларида тенглаштириш. 2. Ота-онага оқ бўлиш: сўз ёки феъл билан уларга азият бериш ва уларга яхшилик қилмаслик. 3. Ёлғон сўз, ёлғон гувоҳлик ҳам шу жумласидан: бировни молини олиш, обрўсига путур етказиш ёки шунга ўхшаш ишларни қилиш учун ёлғон ёки сохта сўз сўзлаш. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғон сўзнинг қабиҳ эканини ва унинг жамиятдаги ёмон асоратларидан огоҳлантириш учун кўп маротаба такрорладилар, ҳатто саҳобалар У зотга шафқат қилиб, безовта бўлмасликлари учун: «Сукут қилсайдилар», деб қолдилар.

https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/2941

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee